

# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 23 январь, № 15 (5689) Чоршанба


## Ифтихор

*Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда ўсиб келаётган навқирон авлодни Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолиги ва бевосита ташаббуси билан малакали мутахассис, эл-юрт корига ярайдиган, Ватанга садоқатли шахс этиб вояга етказиш борасида беқиёс ислоҳотлар амалга оширилди. Бу бежиз эмас. Зеро, ёшлар — Ватан келажаги, бизнинг умид ва ишончимиздир.*

*Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ўз ишини бошлаган “Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги илмий-амалий анжуманда ҳам ана шу ҳақда сўз борди.*

*Дарҳақиқат, юртимизда инсон омилига ҳал қилувчи ва асосий куч сифатида қаралиб, юксак маънавиятли, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган, ҳар соҳада жаҳон ёшлари билан тенгма-тенг баҳсга кириша оладиган янги авлодгина жамиятнинг эртанги тараққиётини белгилашига ишонч билдирилмоқда.*



# Ҳар биримизда ғурур туйғуси бор

## Лекин бу туйғуни амалий ишлар билан янада мустаҳкамлаш керак.

Хабарингиз бор, 2012 йили мамлакатимизда “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Ушбу нуфузли тадбирнинг очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов нутқ сўзлаб, жумладан, шундай деган эди: ***“Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шарти ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб беришнинг ҳожати йўқ”.*** Ушбу фикрлар далили мамлакатимизнинг навқирон авлодига яратиб берилаётган бекаму кўст шарт-шароит ҳамда бунга муносиб тарзда ёшларимиз эришаётган қувонарли натижалар тимсолида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бинобарин, фарзандининг бахту камолини кўриш орзусида яшаш — халқимизга хос хислат. Қолаверса, бунинг замирида ота-оналик масъулияти мужассам.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими амалга оширилаётгани, 12 йиллик умумий таълим тизимининг афзалликлари, мактаб таълими етти тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилиши, шахсан Президент раҳнамолигида махсус жамғарма базасида болалар спортини ривожлантиришга устувор эътибор қаратилаётгани, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, Универсиада мусобақаларидан иборат уч босқичли узлуксиз тизим яратилгани бугун бутун дунёда эътироф этилмоқда. Айниқса, 2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкентда ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуидаги халқаро конференцияда 48 давлатдан, 8 та халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил иштирок этиб, Ўзбекистоннинг ёш авлод таълим-тарбияси борасида тўплаган тажрибаси ҳар томонлама андоза олишга арзигулик эканини эътироф этгани мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли нақадар тўғрилигига яна бир ишончли далил бўлди.




Бугун юртимиз ёшлари нафақат республика, шунингдек, халқаро миқёсдаги кўплаб фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, турли санъат анжуманларида қатнашиб, истеъдодларини намойиш этмоқдалар, ўзбек ёшларининг мағрур овозини дунёга ёймоқдалар. Гап шундаки, бу муваффақиятларнинг тамал тоши илк савод чиқариладиган даргоҳ — мактабларда қўйилган. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига кўра, юртимизда минглаб муҳташам ўқув бинолари бунёд этилди. Биргина 2012 йили 14 та янги уй-жой массивида замонавий мактаблар барпо этилди, 187 та умумтаълим муассасаси реконструкция қилиниб, 162 таси капитал таъмирланди. Ҳеч муболағасиз таъкидлаш мумкинки, бугун шаҳару қишлоқларимиздаги энг кўркам бинолар айнан мактаб, коллеж ва лицейлар бўлиб қолди. Шу билан бирга, моддий-техник база мустаҳкамланиб, ёш авлодни замон талабларига муносиб вояга етказиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилди. Лаборатория хоналари, компьютер синфларидаги қулайликларни фарзанди ўқиётган мактабга борган ота-оналар ҳам ўз кўзлари билан кўриб, мамнуният ва ҳавас ҳиссини туймоқда.

**(Давоми 4-бетда).**

# Ижодий маҳорат кўриги

*Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида “Олтин қалам” VIII Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.*

## «Олтин қалам — 2013»

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан бир қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган мазкур танловдан кўзланган асосий мақсад миллий ва халқаро журналистика ютуқларини оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш, журналистларда танқидий фикрлаш ҳамда ижодий фаолиятида янгича ёндашувларни шакллантиришдан иборатдир.

Таъкидланганидек, танловнинг нуфузи ва кўлами йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 2006 йилда ўтказилган “Олтин қалам” I Миллий мукофоти учун танловда 136 нафар журналист 1669 ижодий иши билан қатнашган бўлса, 2012 йилда бўлиб ўтган “Олтин қалам” VII Миллий мукофоти учун халқаро танловида 470 дан зиёд ижодкор 8,3 мингга яқин материал билан иштирок этди.

**(Давоми 2-бетда).**

## Дил сўзи

*Юртимиз ободлиги, дастурхонимиз тўкинлиги, насибамиз бутунлиги ер билан боғлиқлиги барчамизга аён.*

# Кенг кўламли ислоҳотлар самараси

Шу боис унинг унумдорлигини муттасил ошириб бориш, заминнинг ҳақиқий эгалари — фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигининг малакали мутахассисларини рағбатлантириш давлатимизнинг доимий эътиборида. Айниқса, мелиорация тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар диққатга сазовор. Зеро, тупроғимиз қанчалик соз бўлса, баракаси ҳам шунчалик кўпаяверади.

**(Давоми 2-бетда).**

# ЕХҲТ делегацияси – Ўзбекистонда

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Ламберто Занниер раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида музокара ўтказди.*

Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, минтақавий муаммолар, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш масалалари ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг тадрижий ислоҳотларга асосланган ўз тараққиёт модели иқтисодиётни изчил ривожлантириш йўлида мустаҳкам пойдевор яратгани, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарши самарали курашиш ҳамда дунёдаги саноқли мамлакатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашга эришиш имконини бергани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси изчил амалга оширилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Учрашувда томонлар Ўзбекистон ташкилотларининг турли соҳалардаги имкониятларини янада мустаҳкамлаш мақсадида биргаликда амалга оширилаётган йиллик лойиҳалар доирасидаги амалий ҳамкорликка устувор аҳамият қаратиши таъкидланди.

ЕХҲТ Бош котиби Ламберто Занниер Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С. Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов билан учрашувлар ўтказди.

**(Давоми 2-бетда).**

# Иқтисодиётимиз барқарор суръатларда ривожланмоқда

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2012 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга ўсди.**

**Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, авваламбор, бу кўрсаткич, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттираётганининг яна бир тасдиғи бўлди.**

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Қорақалпоғистон Республикасида ўтган йили 6 та енгил саноат корхонасида умумий қиймати 65,5 миллион АҚШ долларилик техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилди.*

### Енгил саноатда йирик лойиҳалар

Жумладан, Хўжайли туманидаги “Elite stars textile” масъулияти чекланган жамияти модернизация қилингач, корхонанинг йиллик калава ип ишлаб чиқариш қуввати 5 минг тоннага етди. Бундан ташқари, жамиятнинг экспорт имкониятлари ҳам янада кенгайди. 2012 йилда жамоа томонидан 842 минг АҚШ долларилик 350 тонна маҳсулот экспортга жўнатилгани ана шундан далолат беради.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Фойдали ишқор

*Навоий вилояти марказидаги “Электрокимёзавод” қўшма корхонаси қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ҳимоя қилувчи кимёвий дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.*

Ўтган йили бу ерда жами 21 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, кутилганидан ҳам зиёд кўрсаткичларга эришилди.

Қувонарлиси, корхона жамоаси жорий йил бошида яна бир янги истиқболли лойиҳага қўл урди. Натижада бу ерда аввалари хориждан келтирилган NaOH кимёвий ишқор моддасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Лойиҳа рўёби учун 42 миллион сўм йўналтирдик, — дейди корхона бош муҳандиси Нурали Раҳимов. — Ушбу кимёвий маҳсулотдан иссиқлик электростанциялари, сув насос станцияларида технологик жараёнлар узлуксизлигини таъминлаш, яъни сув таркибидаги туз ва минералларни эритишда фойдаланилади.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Металлдан мустаҳкам қувурлар

*Наманган шаҳрида фаолият кўрсата бошлаган “Намметаллстандарт” масъулияти чекланган жамиятида металл қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

Мазкур лойиҳа рўёби учун 700 миллион сўмлик инвестиция йўналтирилди. Ҳозир корхонада йилига 15 минг тонна маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд. Корхонанинг 15 кишилик жамоаси томонидан ўтган қисқа вақт ичида ички бозорга 3 миллиард сўмликка яқин металл қувурлар етказиб берилди.

Таъкидлаш керакки, бу сингари истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида вилоятда ўтган йили 1289 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланиб, олдинги йилдагига нисбатан 14,9 фоизлик ўсишга эришилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тезкор, хавфсиз ва ишончли

*2011 — 2015 йилларга мўлжалланган махсус дастурга мувофиқ, “Мароқанд — Қарши” ва “Қарши — Термиз” темир йўл участкаларини электрлаштириш лойиҳаси жадал олиб борилмоқда.*

— 140,8 километрлик “Мароқанд — Қарши” ҳамда 325,7 километрлик “Қарши — Термиз” участкаларидаги қия йўллар тезюрар поездларнинг хавфсиз ҳаракатланишига мўлжаллаб реконструкция қилинаяпти, — дейди “1-сонли энергомонтажпоезди” унитар корхонаси мутасаддиси Абдураззоқ Қодиров. — Айни пайтга қадар Мароқанд — Гумбаз оралиғида электр симлари учун устунлар ва уларнинг пойдеворлари ўрнатиб чиқилди.

Таъкидлаш керакки, мазкур дастур доирасида тармоқни электрлаштириш билан бир қаторда, темир йўл бекатларида автоматик бошқарув тизимини жорий қилиш режалаштирилган.

Осиё тараққиёт банки ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) кўмагида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан энергия сарфи 20 фоизга камайиб, йўловчи ҳамда юкларни манзилга етказиш тезлиги камида 1,3 баробар ошади.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Жамият фаолиятида юксалиш

*Урганч шаҳридаги “Урганчёғ-мой” очиқ акциядорлик жамияти ўз фаолиятини муттасил кенгайтириб бормоқда.*

Хусусан, яқинда бу ерда ойига 3 тонна қуюлтирилган сут ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий технологик линия ишга туширилган эди. Шу кунларда эса корхона қошида қандолатчилик цехи фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг учун хориждан 87 минг 500 АҚШ долларилик замонавий технологик ускуналар келтириб ўрнатилди. Натижада қўшимча 10 та иш ўрни яратилди. Ҳозир қандолатчилик цехида ойига 75 миллион сўмлик ширинликлар тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Шунингдек, корхонанинг ёрдамчи хўжалигида 160 бош наслдор қорамол, 7 минг бош парранда парваришланаётгани ишчи-хизматчиларни моддий қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЕХҲТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ – ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Музокараларда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустаҳкам тизими шакллантирилгани, Омбудсман фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилиши учун барча қонуний асослар яратилгани қайд этилди.

ЕХҲТ, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари бўйича юздан ортиқ асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар давлат тилига таржима қилинган ва катта тиражларда нашр этилди. Ҳуқуқий ҳимояга оид мавзуларни ёритишга ихтисослаштирилган йигирмадан зиёд юридик газета ва журналлар чоп этилмоқда. Оммавий ахборот воситалари томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига ҳамиша устувор аҳамият бериб келинмоқда.

Музокараларда Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасида қонунчилик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими соҳасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— ЕХҲТ Ўзбекистон билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда, — деди Ламберто Занниер. — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик. Мамлакатингиз вазирлик ва идоралари вакиллари ЕХҲТ томонидан ўтказиладиган конференция, форум, семинар ва тренингларнинг фаол иштирокчисидир. Ўзбекистон кўплаб соҳаларда улкан юксалишларга эришмоқда. Президент Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилингани, олиб борилаётган бундай ислоҳотлар келажакда ўзининг улкан самараларини беради, халқ фаровонлиги янада ошади. Ўзаро ҳамкорлигимиз эса йил сайин кенгайиб, мустаҳкамланиб бораверишига ишонаман.

Ламберто Занниер Тошкент вилоятининг Қибрай туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва ЕХҲТнинг қўшма лойиҳаси асосида ташкил этилган тикувчилик цехининг очилишида қатнашди.

Шу куни ЕХҲТ делегацияси мамлакатимизнинг бошқа бир қатор идора ва ташкилотларида ҳам учрашувлар ўтказди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Маҳаллий Кенгашларда

*Президентимиз 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига янада устувор аҳамият қаратиш зарурлигини таъкидладилар.*

# Аҳоли бандлигини таъминлаш – устувор масала

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда қабул қилинаётган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узвий қисмидир. Дастурда, энг аввало, аҳолини иш билан таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳага доир амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш тизими кўзда тутилганки, бу, ўз навбатида, кучли фуқаролик ва ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш сари дадил одимлаётган юртимиз тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Унинг ижроси, шубҳасиз, барқарор иш ўринлари ташкил этишга, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга, тадбиркорликнинг жадал ривожланишига зарур шарт-шароит яратади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, аҳоли фаровонлигини ошириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда янги иш жойлари яратиш ва фуқаролар бандлигини таъминлаш масалалари халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал масалалари ва аҳолига хизматлар кўрсатиш бўйича доимий комиссияси аъзоларининг диққат-эътиборидадир. Эътироф этиш керак, ўтган давр ичида бу борада кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилди. Натижада Жиззахда янги иш ўринлари яратиш бўйича белгиланган дастур 100,7 фоизга бажарилди. Кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 2907 та, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 876 та, уй меҳнатининг барча шаклларини ташкил қилишга 2375 та, фермер ва деҳқон хўжаликларини тараққий топтириш ҳисобига 177 та, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани бунёд этиш йўли билан 1282 та, иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш ҳисобига эса 202 та иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда доимий комиссиямиз томонидан ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни тамомлаган йигит-қизларни иш билан таъминлаш масаласига жиддий аҳамият қаратилаётир. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, ҳозир ҳудудимиздаги 9 та касб-ҳунар коллежида жами 48 та мутахассислик бўйича таълим олаётган 3582 нафар ўқувчининг бандлигини таъминлаш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, 1321 корхона ва ташкилотга бириктирилган битирувчилар ишлаб чиқариш муассасаларида амалиёт ўтаб, улардан 2560 нафари ушбу корхоналарга ишга жойлашди.

**Шунингдек, ёшларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишларини таъминлаш мақсадида 25 нафар битирувчига тижорат банклари томонидан**
**143**
**миллион сўмлик кредит ажратилди.**

Тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланган ёшлар айни чоғда ўз фаолиятларини йўлга қўйиб, соҳада муайян ютуқларга эришмоқдалар. Албатта, бу саъй-ҳаракатларимиз кўламини 2013 йилда янада кенгайтириш пировард мақсадимиздир. Шу боис бу йил қарийб 3 минг нафар йигит-қиз 9-синфни битиришини назарда тутиб, уларнинг касб-ҳунар коллежлари ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишларини янада оширишга қаратилган, шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот органлари, ўзини ўзи бошқариш идоралари, ота-оналар, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари иштирокида ўтказиладиган "Очиқ эшиклар куни", "Касблар фестивали" каби тадбирларни юксак савияда ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Шубҳасиз, бундай чора-тадбирлар ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашда аниқ йўналтирилган манзилли ишларни ташкил қилишимизга ёрдам беради.

Қисқаси, муваффақиятлар ўзимизники. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг бу борадаги мурожаатларини ўз жойида ҳал қилишга кўмаклашиш доимий комиссия аъзоларининг мақсад-муддаоси, фаолиятининг бош мезонидир. Зеро, ҳаётий муаммолар ечимини ўз вақтида илғаш, қонун ва қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш ҳамда уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш вазифаларига аҳамият қаратиш бугунги кунда ҳар бир депутат зиммасига катта масъулият юклайди.

**А. ҚОБИЛОВ,**
**халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал масалалари ва аҳолига хизматлар кўрсатиш бўйича доимий комиссияси аъзоси.**

## Қонун кучга кирди

*Мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Маълумки, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.*

# Сайлов ҳуқуқи эркинлигининг кафолати

Сайловлар фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишини таъминлайдиган ва халқ иродасига суянган кучли фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас белгиси ҳисобланади. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда эркин тафаккур, хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар, шу билан бирга, сиёсий ҳаракатлар ва кучларнинг интилишлари, айниқса, яққол намоён бўлади".

Истиқлол йилларида жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳалари босқичма-босқич ва изчил ривожлантириб борилганлиги натижасида умумэътироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада Конституциямиз ва сайлов қонунчилигимизга, тан олинган халқаро норма ва принципларга асосланган норматив-ҳуқуқий база босқичма-босқич шакллантирилди. Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши, уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишини мустаҳкам кафолатлайдиган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилди. Ҳокимият вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи Марказий сайлов комиссияси бошчилигида доимий асосда фаолият кўрсатувчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил этилди.

Самарали демократик сайлов тизимининг шакллантирилганлиги сайловларни кўп партиявийлик асосида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёрларга амал қилган ҳолда, очиқлик ва ошкоралик шароитида яширин овоз бериш орқали умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи принципларига тўла мувофиқ тарзда ўтказиш имкониятини бермоқда. Бунга кейинги йилларда мамлакатимизда турли давлат ҳокимияти органларига бўлиб ўтган сайловлар ҳамда уларнинг амалий якунлари ёрқин далилдир.

Шу билан бирга, сайловларни ўтказишда илгари тўпланган ижобий тажрибага суяниш, йўл қўйилган нуқсонларни такрорламаслик, илғор жаҳон тажрибаси ва демократия тамойиллари устуворлигига эришиш олдимизда турган ғоят масъулиятли вазифалардан бири бўлиб қолади. Бинобарин, жамиятимизни ривожлантириш борасида замон олдимизга қўяётган вазифаларни бажаришда, шубҳасиз, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу ўринда Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ислоҳ этиш ҳамда демократлаштириш жараёнининг, давлат ва жамият қурилиши соҳасини, ҳуқуқий тизимни, шу жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берганини алоҳида қайд этиш керак. Зеро, Концепция асосида қабул қилинган "Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасидаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур Қонун билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қиладиган қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиб бериш ва унинг бир хилда тушунилишини таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий тушунчаси берилди. Унга кўра, сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият ҳисобланади. Шу билан бирга, сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги қоида ҳам белгиланди. Бундай норма бир қатор ривожланган хорижий давлатлар, хусусан, Япония, Канада, Франция қонунчилигида кенг қўлланилади. Ушбу қоиданинг қонунчиликка киритилиши, энг аввало, сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш, уларнинг ким учун ва қандай сиёсий дастурга овоз бериш масаласида онгли равишда аниқ бир қарорга келиши учун қўшимча вақт берилишига имконият яратади.

Қонунчиликка киритилган яна бир ўзгартиш ва қўшимча сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг турлари, шакллари ва усулларининг аниқ белгилаб қўйилиши билан боғлиқ. Унга кўра, сайловолди ташвиқоти сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш, депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш орқали олиб борилади.

Сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг шакллари сифатида омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш назар тутилди.

Шу билан бирга, сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи), босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга ошириш тартиби белгилаб қўйилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Қонунда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Қонунчиликка киритилган яна бир қўшимча ва ўзгартиш муддатидан олдин овоз беришнинг муддатлари, тартиби ва тартиб-таомилларининг белгилаб қўйилишидир. Илгари амалда бўлган қоидадан фарқли ўлароқ, эндиликда муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Таъкидлаш жоизки, сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлашнинг бир усули сифатида муддатидан олдин овоз бериш институти кўпгина хорижий давлатлар сайлов қонунчилигида фойдаланиб келинади. Ушбу киритилган ўзгартиш ва қўшимча, энг аввало, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини, участка сайлов комиссиялари фаолияти ошкоралигини таъминлаш ва сайлов қонунчилиги бузилиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймасликни таъминлайди.

Қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчанинг яна бири, бу — "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига "овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди" деган қоиданинг киритилиши бўлди.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бевосита сайлов кунларидан олдин жамоатчилик фикри сўровлари, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишни тақиқлаш билан боғлиқ амалиёт Франция, Германия, Буюк Британия, Канада, Австрия, Дания, Испания, Мексика ва бошқа давлатларнинг қонунчилигида мустаҳкамланган.

Мазкур норманинг миллий сайлов қонунчилигига ҳам киритилиши, энг аввало, сайловчиларнинг ҳуқуқларини янада яхшироқ ҳимоя қилишга, у ёки бу номзодга нисбатан нохолис, янглиш, нотўғри муносабатни ҳамда сайловга оид қонун ҳужжатларининг бузилиши эҳтимолини истисно этишга имкон беради.

Мухтасар айтганда, Қонун билан сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ҳамда сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича киритилган қўшимча ва ўзгартишлар тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида демократиянинг муҳим белгиси бўлган сайлов жараёнини янада либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган ислоҳотлар бўлиши табиий.

**Ж. АБДУЛЛАЕВ,**
**М. ҲУСАНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий ходимлари.**

# Замонавий алоқа хизмати

## тезкор, сифатли ва қулайлиги билан аҳолига манзур бўлмоқда

*Бугун кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадал кириб бормоқда. Ўз навбатида, ушбу соҳада хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар, савдо тармоқлари ва шохобчалари сони ҳам кўпайиб, уларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур барча қулайликлар яратилаяпти.*



## Янгиланиш

Наманган шаҳар телекоммуникация боғламаси биносида "Ягона ойна" тамойили асосида мижозларга хизмат кўрсатаётган савдо офиси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Айни пайтда бу ерга ташриф буюрувчилар телефон ўрнатиш учун буюртма бериш, интернетга уланиш, электрон алоқа воситалари харид қилиш сингари 30 дан ортиқ турдаги замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Яқинда шохобчада янги хизмат тури — IP TV, яъни теледастурларни телефон тармоғи орқали узатиш йўлга қўйилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Наманган филиалининг мазкур савдо офиси ишга туширилиши билан етти нафар мутахассиснинг бандлиги таъминланди. Улар ўтган йил давомида 30 мингдан зиёд мижозга хизмат кўрсатиб, аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилишга муносиб ҳисса қўшишди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ш. ШАРАПОВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини "зангори экран" орқали тинглаганимда, ана шулар кўнглимдан ўтди.

# Кенг кўламли ислоҳотлар самараси

Маърузада юртимиз тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга тармоқларда эришилган муваффақиятлар қаторида аграр сектордаги ютуқлар, янгиланишлар тилга олиниб, қишлоқ хўжалиги вакилларининг шаънига илиқ сўзлар айтилганида, уларнинг меҳнатига юқори баҳо берилганида эса, беҳад ғурурланиб кетдим. Ғурурланмай бўладими? Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини ташкил этиш ва молиялаштириш бўйича янги тизим, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришни таъминлашнинг ишончли механизми яратилди.

Мана, масалан, экин майдонлари кучли шўрланган Хоразм воҳасида бундай саъй-ҳаракатлар ўзининг бекиёс самарасини бермоқда. Вилоятда кейинги йилларда пахта ҳосилдорлиги ўртача 2,3 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 2,7 центнерга кўпайгани бунинг яққол тасдиғидир. Буларнинг бари, ўз навбатида, деҳқонларнинг косасини оқартириш, даромадларини орттиришга хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биз, қишлоқ хўжалиги ходимларининг кўнглимизда ифтихор ҳиссини туйган ҳолда, сидқидилдан меҳнат қилишимиз учун энг муҳим омил — Юртбошимизнинг кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътиборидир. Шундай экан, жорий йилда ҳам мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар кўлами янада кенгайиб, ютуқларга ютуқлар қўшилиши, шубҳасиз.

**Маҳмуд МАДРИМОВ,**
**Хива туманининг мелиорация бўлими бошлиғи.**

# Ижодий маҳорат кўриги

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Телевидение, радио, матбуот ва интернет журналистика йўналишлари бўйича ўтказиладиган халқаро танловда, шунингдек, битта бош миллий мукофот ва ҳар бир номинация бўйича учтадан мукофот тақдим этилади. Юртимиз ҳаёти, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳот ва янгиланишлар жараёнини холис ҳамда ҳаққоний ёритган чет эллик журналистлар учун ажратилаётган номинация ҳам танлов кўламини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ғолибларни мукофотлаш, танловни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилади. Аньанага кўра, бу йил ҳам бир қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан турли мукофотлар таъсис этилган.

Тадбирда "Олтин қалам" VIII Миллий мукофоти учун халқаро танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита иш режаси хусусида ҳам ахборот берилди. Айни чоғда жорий йилги танловнинг олдингиларидан фарқли жиҳатлари тўғрисида сўз юритилди.

Танлов ғолиб ва совриндорлари 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни эълон қилинади.

**Ирода НАБИЕВА.**

Диққат, танлов!

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" VIII Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2012 йилнинг 31 мартидан 2013 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2013 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.** Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле, радио, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни — 2013 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига", деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30, 35-хоналар. Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. www.Journalist.uz**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Корхонада кўнгилсизлик

***Франциянинг шимоли-ғарбида жойлашган Руан шаҳридаги кимёвий корхонада фалокат юз берди.***

Кўнгилсизлик оқибатида ҳеч кимга зиён етмаган. Бироқ атрофга қандайдир ёқимсиз ҳид тарқалган. Мутахассислар ушбу ҳолат одамларнинг заҳарланишига олиб келмаслигини айтишган бўлса-да, маҳаллий аҳоли саросимага тушиб қолган. Шу боис фавқулодда вазиятлар хизмати ходимлари фуқароларни тинчлантириш мақсадида воқеа жойида текшириш ишларини бошлаб юборган.

## Нефтга талаб ортади

***Халқаро энергетика агентлиги 2013 йилда нефтга бўлган талаб сезиларли даражада ортишини билдирди.***



Яъни жорий йил охирига бориб, дунё миқёсида "қора олтин"нинг бир кунлик истеъмоли 90,8 миллион баррелга етади. Ташкилот экспертларининг фикрича, углеводород хом ашёсига, айниқса, Хитойда талабнинг ошиши ана шундай кўрсаткичга сабаб бўлади.

Шунга қарамай, Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) кунлик "қора олтин" қазиб олиш ҳажми(30,4 миллион баррель)ни оширмоқчи эмас. Аксинча, унга аъзо бўлмаган давлатларда кунлик маҳсулот тайёрлаш миқдори 980 минг баррелга кўпайиши кутилмоқда.

## Меҳнат бозоридаги вазият

***Жорий йилда дунё бўйича ишсизлар сони яна беш миллионга ортиб, 202 миллион нафар кишига етиши тахмин қилинмоқда.***

Бу ҳақда Халқаро меҳнат ташкилоти хабар тарқатди. Маълумотларга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланишидан аввал (2007 йил) Сайёрамиздаги жами ишсизлар сони 28 миллион кишини ташкил этган. 2009 йилда бу кўрсаткич 199 миллион нафарга етган бўлса, 2012 йилда 197 миллион ишсиз рўйхатга олинган. Гарчи ўтган йилги натижа таназзул ўзининг энг юқори чўққисига чиққан даврдан бир оз ижобий томонга ўзгарганини кўрсатса-да, аслида умумий вазият ҳамон мураккаблигича қолмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан тайёрланган маърузага кўра, ҳозир меҳнат жойига муҳтожларнинг 13 фоизи 24 ёшгача бўлганлардир.

## Молиявий кўмак олди

***Европа Иттифоқи Грецияга 9,2 миллиард евро миқдорида иқтисодий кўмак ажратди.***

Ушбу маблағнинг 7,2 миллиарди мамлакатдаги банкларни қайта молиялаш учун йўналтирилади. Қолган қисми эса бюджет тақчиллигини бартараф этишга сарфланади.

Изоҳланишича, ЕИ Грециянинг иқтисодий аҳволни ўнглашга қаратилган лойиҳаларига ишонч билдиргани учун ҳам яна моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилган.

Ўтган йили ташкилот томонидан ушбу мамлакатга 49,1 миллиард евро миқдорида кредит ажратилганди. Келишувга кўра, бу маблағ шу йилнинг март ойи охирига қадар ўтказиб берилиши керак. Греция ҳозиргача шундан 43,5 миллиардини олган.

## Янги смартфон

***АҚШнинг "Apple" компанияси шу йилнинг ёз ойларида смартфон туркумига кирувчи телефонларнинг янги русуми — "iPhone 5S"ни сотувга чиқаришни мўлжалламоқда.***



"iPhone Math" деб номланган ушбу маҳсулот 4,8 дюймли дисплей ва 8 мегапикселли камера билан жиҳозланган. Унинг тақдимоти ихтирочиларнинг июнь ойида бўладиган Бутунжаҳон конференциясида ўтказилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, халқаро тадбирда "Apple" 21 мегапикселли камерага эга яна бир телефон русумини оммага таништириш мўлжалланмоқда.

## Бетартиб ўйин

***Америка хоккей лигаси (АХЛ)нинг "Гранд-Рапидс Гриффинс" ва "Рокфорд Айсхогс" жамоалари ўртасидаги учрашув ҳақиқий ринг майдонига айланиб кетди.***

АХЛ расмий сайти маълумотларида келтирилишича, мазкур ўйинда иккала жамоа ўйинчилари ўртасида даҳанаки жанг рўй берган. Оқибатда томонлардан 13 нафар ўйинчи майдондан четлатилди. Улар орасида жамоа дарвозабонлари ҳам бор.

Учрашувда дарвозаларга 17 та шайба киритилиб, "Гранд-Рапидс Гриффинс" жамоаси 11:6 ҳисобида ғалаба қозонди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

### Яхши хабар

*Олтиариқ туманидаги Тинчлик шаҳарчасида тадбиркор Манзурахон Файзиматова томонидан "Соғлом аёл маркази" фаолияти йўлга қўйилди.*

## Янги марказ иш бошлади

— Президентимиз ўтган йили халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида аҳолига сервис хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, хусусан, аёллар гўзаллик уйларини ташкил этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган эдилар, — дейди тадбиркор. — Шундан келиб чиққан ҳолда, бунёдкорлик ишларини бошлаб юбордик. Кўп ўтмай, бизнес лойиҳамиз муваффақиятли амалга ошди.

Айни пайтда марказда саккиз нафар малакали мутахассис хизмат кўрсатмоқда. Фитнес-клуб, гўзаллик, келинлар либослари салонлари, фитобар, шунингдек, 30 ўринли банкетлар зали фаолияти аҳолига манзур бўлмоқда.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тезкор ахборот манбаи

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг интернетдаги расмий веб-сайтини янгилади.*

*Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда ахборот-телекоммуникация тизими жадал ривожланмоқда. Оммавийлиги, тезкорлиги боис интернет хизматларига бўлган талаб жуда юқори. Шу боис эндиликда барча ташкилотлар хизмат кўрсатишнинг ушбу замонавий усулидан кенг фойдаланаяпти.*

### Хизмат

Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса бу борадаги ишларни жадаллаштиришга хизмат қилаётир.

Марказий банкнинг веб-сайти кўп йиллардан буён оммавийлиги жиҳатидан расмий ва мустақил экспертлар томонидан юқори баҳоланиб келинади. Сайтга бир кунда ўртача 4,5-5 минг нафар фойдаланувчи ташриф буюраётгани бунинг тасдиғидир.

Албатта, ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга жадал кириб келаётган экан, веб-сайтга жойлаштирилаётган материалларнинг мазмундорлиги, дизайни, сифати ҳам барчани қизиқтиради. Шунинг учун мазкур сайтда Марказий банк томонидан юритилаётган пул-кредит сиёсати, валютага оид ишларни тартибга солиш, банклар фаолияти, шунингдек, банклараро тўлов тизими ҳамда унинг ҳузуридаги ташкилотлар хусусида маълумотлар базаси ташкил этилди.

Янги сайт аввалгисидан дизайни, асосий ва қўшимча менюлар киритилганлиги, ахборот-қидирув тизими такомиллаштирилиб, маълумотлар базаси кенгайтирилганлиги билан ажралиб туради. Бу эса, ўз навбатида, фойдаланувчига Марказий банкнинг бош бошқармалари, тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, ваколатли банклар ва Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган чет эл кредит ташкилотлари ваколатхоналари бўйича тегишли маълумотларни тезкор олиш, тижорат банкларининг порталига ўтиб, улар билан яқиндан танишиш имкониятини беради.

Шу билан бирга, сайтнинг янги кўринишида веб-мастерлар учун хорижий валюталар курсларини XML форматида кўчириб олиш ва уларнинг сўмга нисбатан қийматини белгиловчи информерни ўзларининг сайтларида жойлаштириш хизматлари ҳам кўзда тутилган.

Бундан ташқари, веб-сайтнинг мобиль муқобили ҳам ишлаб чиқилган. Буларнинг бари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг янги веб-сайти интернет тизими фойдаланувчилари учун қулай имконият яратиш баробарида, мамлакатимиз банк тизими ҳақида ҳикоя қилувчи ўзига хос маълумотлар манбаи — медиа марказга айланганлигидан далолат беради.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

### Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 12 ЯНВАРДАН 18 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 30 декабрдаги 12-сонли буйруғи.*

**2013 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2411 (2013 йил 21 январдан кучга кирди).**

2. «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб ўтиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 9 январдаги 01-02/20-2, 4-мҳ-сонли қарори.*

**2013 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 526-3 (2013 йил 21 январдан кучга кирди).**

3. «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2013 йил 10 январдаги 7-сонли буйруғи.*

**2013 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1626-5 (2013 йил 21 январдан кучга кирди).**

4. «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 7 январдаги 1, 2013-1-сонли қарори.*

**2013 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2412 (2013 йил 21 январдан кучга кирди).**

5. «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академиясининг 2012 йил 27 декабрдаги 68/ҚҚ, 20, 21/ҚҚ, 05/ҚҚ-сонли қарори.*

**2013 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2413 (2013 йил 27 январдан кучга киради).**

6. «Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 31 октябрдаги 153-сонли буйруғи.*

**2013 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1077-2 (2013 йил 28 январдан кучга киради).**

7. «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 13 декабрдаги 89-сонли буйруғи.*

**2013 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945-1 (2013 йил 28 январдан кучга киради).**

8. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш, ёпиш ва юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 17 декабрдаги 86-сонли буйруғи.*

**2013 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2414 (2013 йил 21 январдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қуввати 50 кВтгача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисида низом», 1-сон ўзгартириш *(рўйхат рақами 2220, 2011 йил 27 апрель), (рўйхат рақами 2220-1, 2012 йил 16 март). Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 15 январдаги 8-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди.**

2. «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари» *(рўйхат рақами 2336, 2012 йил 6 март). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 16 январдаги 12-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди.**

3. «Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш қоидалари», 1-сон ўзгартиришлар *(рўйхат рақами 1746, 2007 йил 5 декабрь), (рўйхат рақами 1746-1, 2010 йил 19 ноябрь). Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 18 январдаги 17-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**● Реклама ва эълонлар ●**

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

***Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашади.***

Танлов қуйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

Ариза (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

***Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.***

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун БУЮРТМАНОМА**

1. ______________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2. ______________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3. ______________________________
(Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— инвестиция таклифи;
— инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари
______________________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

*2-илова*

**Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

**1.** Лойиҳанинг номи.
**2.** Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
— номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури;
— асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ҳамда ҳажми) ва молиявий кўрсаткичлари.
**3.** Негизида лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
— корхонанинг номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
— охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
— умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
— мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
— кадрлар потенциали.
**4.** Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
*4.1.* Маркетинг:
— ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
— дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
— мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
— маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
*4.2.* Ишлаб чиқариш:
— лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал-ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
— зарур бўладиган ходимлар сони.
*4.3.* Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
— инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
*4.4.* Молиялаштириш:
— лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
— объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
— лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
**5.** Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
— кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
— экспорт ҳажми.

*3-илова*

**Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ**

______________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган манзили)

| № | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

2068R/1314

**САНОАТ КОРХОНАСИ**

**бош энергетикнинг биринчи ўринбосари**

**лавозимига ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади.**

**НОМЗОДГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:**

- **соҳа бўйича олий маълумотга, муҳандис-техник ва раҳбар лавозимларида 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш**
- **хавфсизлик гуруҳи 5-даражадан паст бўлмаслиги**
- **Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.**

*Иш ҳақи — суҳбат натижасидан кейин белгиланади. Келажакда лавозимда ўсиш имкониятлари мавжуд.*

**Шунингдек,**

**юқори малакали электриклар ҳамда назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича (КИП ва А) созловчи-ишга туширувчилар**

**ишга қабул қилинади.**

*Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Ходимлар бепул овқат ва транспорт билан таъминланадилар. Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.*

**МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
**(8-371) 241-10-81, (+99890) 929-55-97.**

30R/1346




- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50;
- Тойтепа к., 5 ( Мўлжал — давлат поликлиникаси), тел.: (+99871) 232-06-61.

www.micros.uz
e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

31R/770

# Ҳар биримизда ғурур туйғуси бор

## Лекин бу туйғуни амалий ишлар билан янада мустаҳкамлаш керак.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ана шу ўқув муассасаларида юзлаб истеъдод эгалари камол топаётганлиги эса юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг асл моҳияти — ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун эканлигининг беқиёс самарасидир.

Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш ҳолати ҳам яхшиланди. 1991 йили бу кўрсаткич 55,4 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2011 йили 99,4 фоизга етдики, барча ўқувчилар дарсликлардан арзонлаштирилган нархларда ижара тизими асосида фойдаланишмоқда. 2012 йилда ҳам мактабларнинг 1-синфига қадам қўйган 500 мингдан ортиқ болалар 12 номдаги ўқув қуроллари ва портфелдан иборат “Президент совғаси”га эга бўлишди. Шунингдек, 580 минг 976 нафар кам таъминланган оила фарзандлари қишки кийим-бош тўплами билан, 10 минг 699 нафар якка тартибда уйда таълим олувчи ўқувчилар зарурий ўқув қуроллари ва дарсликлар билан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланди.

Ортда қолган 2012 йилда, шунингдек, нафақат умумий ўрта таълим, балки ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим тизимида ҳам юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш ишлари изчил давом эттирилди. Хусусан, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда, олис аҳоли пунктларида яшайдиган қизларни касб-ҳунар коллежларида ўқишга тўлиқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Янги касб-ҳунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 450 минг нафардан ортиқ битирувчи муқим иш жойига эга бўлди.

***“Таълим соҳасидаги ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган “Инсеад” халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги “Инновацияларнинг глобал индекси” маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Маъруза Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган. Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатидаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон — шунга эътибор беринглар — дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган”.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида тилга олинган бу эътироф миллионлаб юртдошларимизга чексиз ифтихор ва ғурур бахш этгани, шубҳасиз. Негаки, бундай эътирофлар асосини мустаҳкам устунлар ушлаб турибди. Бутун дунёда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири давом этаётган бир пайтда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 35 фоизи йўналтирилмоқда. Энг асосийси, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш учун сарфланаётган бу маблағларга харажат деб эмас, келажакка қўйилаётган сармоя сифатида қаралмоқда.

Қисқача айтганда, истиқлол туфайли Ўзбекистонда ёшларнинг тақдири тубдан ўзгарди. Уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан улғайишлари, илм эгаллашлари, ўз қобилиятларини кўрсатишлари учун муҳим омил саналган таълим-тарбиянинг пировард мақсади, мазмун-моҳияти мутлақо янгиланди. Бугунги ўқувчи-талаба янги билимларни ўзлаштириш баробарида, халқимизнинг асрлар давомида асраб-авайлаб, эъзозлаб келган ўлмас маънавий-маърифий қадриятларини қалби ва онгига чуқур жо қилиш, дунёнинг энг илғор тажрибалари билан танишиш, уни таҳлил этиш ва ўз қарашини эмин-эркин шакллантириш имкониятига эришди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик давлатимиз раҳбарининг: “Ҳар биримизда ғурур туйғуси бор, лекин бу туйғуни амалий ишлар билан янада мустаҳкамлаш керак”, деган қанотбахш сўзларига ҳамоҳанг эканлиги билан аҳамиятлидир. Ўз тараққиёт йўлига эга, инсон манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда эзгуликка йўғрилган ислоҳотларнинг ҳаётий ифодасини кўрмаслик, сезмаслик, ҳис қилмаслик асло мумкин эмас. Зотан, Истиқлол деб аталмиш муборак неъматдан, Юртбошимиз меҳридан баҳраманд бўлиб, камол топаётган йигит-қизлар буюк келажагимизнинг муносиб эгаларидир.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э. Боситхонова, А. Икрамов иштирок этди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.





# Азалий ва боқий қадрият

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий анъаналаримизга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Хусусан, ҳунармандчилик янгича сайқал топиб, тобора ривожланмоқда. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этаётир.*

## Ҳунармандчилик

Чунки мазкур ҳужжатга кўра, шу меҳнат тури билан шуғулланаётганларга бир қатор имтиёзлар берилиши баробарида, барча туман ва шаҳарларда “Ҳунарманд” уюшмасининг бўлимлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларга ўн нафардан ҳунарманд аъзо бўлди.

Шунингдек, ушбу йўналишда турли танловлар ташкил этилаётгани ҳунармандларимизга ўзлари ясаган ижод намуналарини оммага намойиш қилиш имконини бермоқда. Қўли гул усталаримиз томонидан яратилган маҳсулотлар хорижликлар томонидан севиб харид қилинаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Масалан, уста Азат Ўтарбоев ва унинг оила аъзолари ясаган мусиқа асбоблари, миллий нақшлар билан ишланган каштачилик, тўқимачилик намуналари бугун кўплаб чет эллик меҳмонларнинг хонадонларини безаб турибди.

Азат Ўтарбоев — мазкур меҳнат турини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган сулоланинг бешинчи авлоди. У ҳунармандчиликнинг этагини тутгандан буён деярли унутилаёзган 20 дан зиёд қорақалпоқ миллий чолғу асбобларини тиклашга муваффақ бўлди. 2012 йилда устанинг фаолияти янада кенгайди. Гап шундаки, ўтган йилнинг май ойида Қорақалпоғистон Республикасида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали дастури доирасида Азат Ўтарбоевга замонавий устахона туҳфа этилди. Эндиликда бу ерда миллий мусиқа асбоблари ясашга ихлоси баланд кўплаб ёшлар билим олиб, ҳунармандчилик сир-асрорларини қунт билан ўрганишмоқда.

Бугунги кунда бошқармамизнинг жойлардаги 17 бўлимининг 170 нафардан зиёд аъзоси бор. Улар тез-тез учрашиб, ўзаро тажриба алмашиб туришади. Яқинда Кегайли ва Чимбой туманларида бўлиб ўтган кўргазмалар бунга яққол мисол бўла олади. Энг муҳими, кўргазмалар давомида 50 нафардан зиёд ёш ҳунармандлар тажрибали усталардан зарур йўл-йўриқ олиш имкониятига эга бўлдилар.

Бундан ташқари, бошқармамиз қошида ташкил қилинган “Мастер класс” ўқув марказида 100 нафардан ортиқ йигит-қиз ўзлари қизиққан ҳунарлар бўйича билим олдилар. Айни пайтда уларнинг 6 нафари мустақил равишда иш юритиш учун имтиёзли кредит билан таъминландилар.

Таъкидлаш кераки, бундай шарт-шароит ва қулай ишбилармонлик муҳити Оролбўйи ҳунармандларининг йилдан-йилга тажриба орттириб, кўплаб муваффақиятларга эришишида қўл келмоқда. Натижада уларнинг аксарияти аҳоли гавжум жойларда савдо нуқталари ташкил этиб, ўз маҳсулотларини сотишни йўлга қўйишаяпти. Каштачи Д. Исмоилова, уста А. Ўтарбоев, чопондўз Б. Хожаниязов, тўқувчи Г. Ембергенова, ҳунарманд Б. Самандарованинг фаолияти бунинг тасдиғидир.

Мухтасар айтганда, бизнинг асосий мақсадимиз ота-боболаримиздан мерос ўлмас қадриятларни асраб-авайлаш ва уларни аҳоли орасида тарғиб қилишдан иборат. Ушбу йўналишда яратилган имкониятлар эса унинг боқийлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

**Норгул НАҒМЕТОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси «Ҳунарманд» бошқармаси бошлиғи.**

● Реклама ва эълонлар ●

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Хоразм вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қўшкўпир тумани СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2010 йил 24 декабрдаги 12235-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ғозовот консерва» ишлаб чиқариш ва тижорат фирмасига қарашли бўлган, Қўшкўпир тумани, Ғозовот қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 8026,8 кв.м., қурилиш ости ер майдони 1479,8 кв.м., фойдаланиш майдони 1412,52 кв.м. бўлган цех биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 270 088 830 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 7 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 5 февраль куни соат 11.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

**Манзил: Урганч ш., Й. Бобожонов к., 23-уй.**
**Тел./факс: (8-362) 226-43-64, 226-32-63.**
**www.1kms.uz**

100R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Суд департаменти Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган, 2 қаватли, барча қулайликларга эга бўлган тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 725 507 310 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 7 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 5 февраль куни соат 18.00.

**II.** Аукцион савдосига Суд департаменти Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 1 гектарлик майдонга эга иссиқхона.

***Бошланғич баҳоси — 1 083 286 052 сўм.***

**2.** Бухоро шаҳри Баҳовуддин Нақшбанд кўчаси ёқасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли «Орзу» уй-жой комплекси мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 3 620 293 553 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2011 йил 12 августдаги 2-37-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 15/5-уйда жойлашган, умумий ер майдони 995,64 кв.м.дан иборат сауна биноси ва унинг ичидаги мулклар.

***Бошланғич баҳоси — 310 997 781 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 14 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 12 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ОАТБ «Турон-банк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz**

101R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

**Қурилиш-монтаж ташкилоти**

**танлов асосида юқори малакали ходимларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича ишга таклиф этади:**

— бир ковшли, пневматик ғилдиракли, кенг занжирли экскаваторлар машинистлари (V-VI разрядли);
— бульдозер (Хитойда ишлаб чиқарилган) машинистлари (V-VI разрядли);
— автомобиль кранлари (Хитойда ишлаб чиқарилган) машинистлари;
— автогрейдер машинистлари (V-VI разрядли);
— ер текислайдиган (виброкаток) механизм машинистлари;
— ҳаволи компрессор машинистлари (7 — 10 атм.);
— автоюклагич машинистлари (V — 3-5 м³);
— қувурлар ётқизадиган механизмлар (трубоукладчики) машинистлари;
— автосамосвал ҳайдовчилари (25 — 40 тонна);
— яримтиркамали машина ҳайдовчилари (Е категорияли);
— бетон қорадиган кўчма машина ҳайдовчилари;
— бортли автомашина ҳайдовчилари;
— қувур ташийдиган машина ҳайдовчилари;
— бензин ташийдиган ва ёнилғи тарқатадиган машина ҳайдовчилари;
— сув сепадиган машина ҳайдовчилари;
— автобус ҳайдовчилари;
— автогудронатор ҳайдовчилари;
— пайвандлаш агрегатлари ва дизель электр станцияларига хизмат кўрсатиш бўйича дизелчилар;
— магистраль газ қувурларида ишлаш тажрибасига эга бўлган газ-электрпайвандчилар (V-VI разрядли);
— двигателларни таъмирлаш бўйича моторчилар;
— автомашина ва махсус техника агрегатларини таъмирлаш бўйича агрегатчилар;
— машина ва механизмларни таъмирлаш бўйича чилангарлар (V-VI разрядли);
— автоэлектриклар;
— аккумуляторчилар;
— вулканизаторчилар;
— авторадиаторларни таъмирлаш бўйича усталар (медники);
— машина ва механизмларни таъмирлаш бўйича механиклар.

**Муҳандис-техник ходимлар:**

— механизациялаштирилган махсус техника колоннаси бошлиғи;
— автотранспорт бўйича механизациялаштирилган колонна бошлиғи;
— бош механик;
— бош энергетик;
— техника хавфсизлиги ва меҳнатни ҳимоя қилиш муҳандиси;
— йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича муҳандис;
— устахоналар бошлиғи.

***Меҳнат шароити — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вахта услубида ишлаш, муносиб меҳнат ҳақи тўланади.***

**Резюмени қуйидаги манзилга юбориш лозим: e-mail: office@ent-en.com**
**Маълумот учун телефон: (+99890) 998-38-84.**

64R/34

**POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ**

**Micros®**
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор




***ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:***

- **савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);**
- **бутик, ноозиқ-овқатлар савдоси;**
- **ресторанлар, кафе, барлар;**
- **фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.**

**Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.**

**Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».**

*Маҳсулот сертификатланган*

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

**www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz**

33R/770

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 130 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.05 1 2 3 4 5